



ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ.

Хамидов Асилбек Алишер ўғли

Криминология тадқиқот институти
илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18080343>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 25-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 29-dekabr 2025 yil

KEY WORDS

Транспорт воситаси олиб қочиш, ўғрилиқ, жиноятларнинг олдини олиш, хорижий тажриба, GPS-трекинг, иммоилайзер, VIN-текиширув, ақлли камералар, ҳуқуқий жавобгарлик, профилактик чоралар

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистонда транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятининг ортиб бораётган ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилинади. Шунингдек, глобал ва маҳаллий статистика, жиноятнинг мотивацион ўзгаришлари, ҳуқуқий нормалар, технологик ва профилактик чора-тадбирлар кўриб чиқилади. Хорижий тажриба асосида тарғибот, техник ҳимоя ва ҳуқуқ-тартибот органларининг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон учун таклифлар илгари сурилади..

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистонда аҳолининг транспорт воситалари билан таъминланиш кўрсаткичи сезиларли даражада ортмоқда. Ўз навбатида бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва урбанизация жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, аҳолининг мобиллиги ва ҳаёт сифатининг умумий даражасини оширишга ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга ушбу тенденция фуқароларнинг моддий фаровонлигининг кўтарилиши индикатори сифатида кўрилиб, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг бир қисмига айланиб улгурди.

Шундай бўлса-да, ушбу ижобий тенденция билан пропорционал равишда автотранспорт воситаларининг ўғирланиши ва олиб қочилиши ҳолатларининг статистикаси йил сайин ортиб бормоқда.

Ўз навбатида мазкур ҳолат транспорт паркиннинг кенгайиши билан узвий боғлиқдир. Чунончи, ҳозирги кунда дунё миқёсида 1,645 миллиард дона автомашина бўлиб, ҳар 1 000 кишига 203 тадан ёхуд ҳар 5 кишига биттадан тўғри келса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2023 йил 1 январь ҳолатига ҳар 1 000 нафар аҳолига 95 тадан тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки бу статистика йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бу эса транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятлар бўйича криминоген вазиятнинг мураккаблашувига олиб келмоқда ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларидан янги чора-тадбирларни кўришни тақозо этмоқда. Ушбу ўсиш нафақат маҳаллий, балки

глобал миқёсдаги урбанизация ва иқтисодий ўсиш билан ҳамоҳанг бўлиб, ўхшаш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Транспорт воситасини олиб қочиш – дунёда миқёсида мулкый характерга эга жиноятлар ичида юқори латентлик ва тарқалиш кўрсаткичига эга бўлиб қолмоқда.

Халқаро криминология тадқиқотлари (*UNODC, Interpol, National Insurance Crime Bureau маълумотлари*)га кўра, глобал даражада ҳар йили 2-3 миллионга яқин йўловчи ва юк автомобиллари олиб қочилади ёки ўғирланади. Бироқ, уларнинг фақатгина 42-58 фоизга яқини (*мамлакатларга қараб*) ўз эгаларига қайтарилади, қолган қисми эса бутунлай йўқолади ёхуд янги идентификацион рақамлар остида қайтадан рўйхатдан ўтказилади.

Таҳлилларга кўра, охириги ўн йилликларда ушбу жиноятларнинг табиати ва мотивацион базаси сезиларли даражада трансформацияга учради. Агар ўтган асрнинг 80-90 йилларида бу жиноятдан кўзланган мақсад – вақтинчалик фойдаланиб ташлаб кетиш бўлган бўлса, ҳозирги вақтда жиноятнинг мақсади қуйидаги йўналишларга ўзгарди:

- ❖ автомобилни кейинчалик қисмларга ажратиб, эҳтиёт қисм сифатида сотиб юбориш;
- ❖ транспорт воситаларини хорижга контрабанда қилиш ва контрабанда учун фойдаланиш;
- ❖ бошқа турдаги жиноятларни содир этиш воситаси сифатида фойдаланиш (*терроризм, наркотрафик ва бошқа*);
- ❖ идентификация белгиларини ўзгартириб бозорга қайта киритиш кабилар.

Шунга мувофиқ, хорижий давлатларда автотранспорт воситасини олиб қочишга қарши курашиш йўналишида институционал ва технологик механизмларнинг кенг спектри қўлланилмоқда. Реал вақтдаги GPS/GSM трекинг тизимлари, Lojack, Cobra, MetaSystem каби фаол иммобилайзерлар, VIN-коднинг миллий ва халқаро базаларда (*Interpol SMVTD, EUCARIS*) автоматлаштирилган текшируви, интеллектуал видео кузатув тизимлари билан интеграциялашган ANPR (*Automatic Number Plate Recognition*), шунингдек, “*bait car*” ва “*sting operation*” каби махсус оператив чоралар шулар жумласидандир. Ўз навбатида ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги баъзи ривожланган мамлакатларда ушбу жиноятлар даражасини 70–85 фоизга камайтириш имконини бермоқда. Шунга асосан хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш бу жиноятларга қарши курашишда яхши самара бериши мумкин.

Жумладан, **Америка Қўшма Штатлари**да транспорт воситасини олиб қочиш федерал ва штат қонунлари доирасида тартибга солинади. **Федерал қонун** ушбу жиноятни “*ўлим ёки жиддий жароҳат етказиш нияти билан транспорт воситасини зўравонлик ёки қўрқитиш орқали олиб қочиш*” - деб таърифлайди. Қонунга кўра бу жиноят учун оддий ҳолатларда 15 йилгача, жиддий жароҳатлар етказилганида эса 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёхуд ўлим жазоси ҳам тайинланиши мумкин.

Қонунчиликка кўра, мазкур жиноятлар “**Автомашина ўғрилиги**” (*grand theft auto*) сифатида баҳоланади ҳамда 1 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони назарда тутлади. Мамлакатда бундай жиноятларга қарши курашиш мақсадида **1992** йилда “**Авто ўғирликка қарши қонун**”

(*Anti-Car Theft Act*) ҳамда 1994 йилда “**Зўравон жиноятларни назорат қилиш қонуни**” қабул қилинган бўлиб, уларга кўра автомобиллар учун VIN (*идентификация рақами*) текшируви ва иммобилайзерларни ўрнатиш мажбурий қилиб белгиланди. Шу ўринда ушбу чора-тадбирлар натижасида мамлакатда 1990-2020 йилларда авто ўғрилик 80% га камайди.

Иммобилайзер (*инглизча — “ҳаракатсизлантиргич”*) — бу автомобиллар учун электрон система, яъни улар машинанинг двигателларини ишга туширишни блоклайди ва транспорт воситасини олиб қочишнинг олдини олади. Улар замонавий кўплаб автомобилларда штат (завод) комплектациясида мавжуд бўлади.

VIN текшируви — автомобилнинг уникал шахсий рақами (паспорт рақамига ўхшаш) бўлиб, 17 та белгидан (ҳарф ва рақам) ибрат бўлади ва ҳар бир машина учун бутун дунёда такрорланмайди. Одатда двигатель қопқоғи остида, олд панелда (руль орқасидаги ойна остида), документларда (техпаспорт, страховка) кўрсатилади.

Мамлакатда ушбу жиноятларга қарши курашиш қуйидаги тўрт йўналишда, “**Layers of Protection**” (*Ҳимоя қатламлари*) **стратегияси** асосида амалга оширилмоқда:

Оддий сергаклик усули: калитни машинада қолдирмаслик, эшик ва деразаларни ёпиб юриш, қимматбаҳо буюмларни кўринмайдиган жойда сақлаш йўлда ҳам автомобилни қулфлаб қўйиш бўйича тарғиботлар мунтазам ўтказилади.

Огоҳлантирувчи қурилмалар усули: рулга қулф, сигнал стикерлари, чироқлар, ойнага VIN рақамини ўйиб ёзиш кенг қўлланилади. Бу усуллар автомобилда кўринадиган ҳимоя борлигини кўрсатиш орқали потенциал ўғриларни қўрқитади.

Ҳаракатни тўхтатувчи қурилмалар: деярли барча автомобилларга электрон иммоблизер технологияси ўрнатилади. Бу технология ёрдамида двигатель бошқа бегона калит билан ишга тушмайди, ҳаракат блокланади.

Замонавий машиналарда заводдан ўрнатилган иммоблизерлар ўғирликни 50-70% га камайтиради.

Кузатув қурилмалар: GPS трекерлар – глобал позициялаш тизими (GPS) ёрдамида транспорт воситасининг (*ёки бошқа объектнинг*) жойлашувини реал вақтда аниқлаб, кузатиб бориш имконини берадиган электрон қурилмалардир.

Бу қурилмалар мамлакатда ўғирланган машинани 24 соат ичида топиш эҳтимолини 34% га оширади.

Бу қатламларни бирга қўллаш ўғирлик хавфини 80-90% га камайтириши мумкин.

Шу билан бирга Қўшма штатларда олиб қочилган транспорт воситаларини аниқлаш ва тўхтатиш йўналишида ҳам етарлича тажриба шаклланган бўлиб, қуйидаги усулларни ўз ичига олади:

❖ “**All Points Bulletin**” усулидан фойдаланилади. Яъни олиб қочилган транспорт воситаси ҳақидаги маълумотлар тезкорлик билан битта жўнатувчидан барча қабул қилувчилар (*барча ЙХХХ ва ППХ ходимлари*) гуруҳига электрон тарзда юборилади. Бу объект ҳақидаги маълумотларни тезда тарқатиш ва зарурий қарор қабул қилиш вақтини максимал камайтиришга хизмат қилади;

❖ “**Grappler Police Bumper**” усули. Мазкур усул ўзида орқа ғилдиракни чигаллаштириш орқали олиб қочиладиган транспорт воситасини хавфсиз тўхтатиш учун оғир тўрдан фойдаланиладиган қурилмани акс эттиради. Қурилма полиция

автомашинасининг олд бамперига ўрнатилади ҳамда ишлатилганида автомобилнинг орқа ғилдираклари ҳаракатларини хавфсиз тўхтатишга ёрдам беради;

❖ **“Sting Operations ва Task Force”** усули ҳам бўлиб, бунда транспорт воситасини олиб қочишга қарши махсус кичик гуруҳлар тузилади. Улар ўз навбатида жиноий гуруҳлар доирасига сингиб, бу турдаги жиноятларнинг асосий ташкилотлари, жиноят ўчоқлари, автомашиналарни бўлакларга ажратиш, идентификацион рақамларини ўзгартириш жойлари ҳақидаги маълумотларни қўлга киритади.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, Қўшма штатларда бу турдаги жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комплекс тизим шаклланган бўлиб, асосий эътибор технологияларга қаратилади ҳамда транспорт воситаларини хавфсиз тўхтатишнинг самарали усуллари қўлланилади.

Бу турдаги жиноятларга қарши курашувчи самарали тизим яратилган давлатлардан яна бири **Хитой Халқ Республикаси** бўлиб, миллий қонунчиликка мувофиқ, транспорт воситасини олиб қочиш **тоифаланган тартибда жавобгарликка тортилади.**

Хусусан, **автомобилни калитни ўғрилаш, эшикни бузиш ёки бошқача усул билан олиб қочиш** – асосан автомобиль қиймати асосида жазога тортилади. Агар зарар миқдори катта бўлмаса 3 йилгача, катта миқдорда бўлса 3 йилдан 10 йилгача, зарар миқдори жуда катта бўлганда эса 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутаяди (*Жиноят кодекси 264-модда, оддий ўғрилик*).

Шунингдек, **автомобилни эгаси олдида ва унинг кўз ўнгида зўрлик ишлатиб ҳамда кўрқитиб олиб қочиш (carjacking)** – оддий ҳолатларда 5 йилдан 10 йилгача, оғир оқибатларга олиб келган ҳолларда эса 10 йилдан ортиқ ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин (*Жиноят кодекси 122-модда, зўрлик билан олиб қочиш*).

Бундан ташқари, **машина билан бирга, унинг ичида ёки эгасида бўлган моддий қимматликларни куч ишлатиш, кўрқитиш ва қурол қўллаш йўли билан қўлга киритиш** – оддий ҳолатларда 3 йилдан 10 йилгача, оғирлаштирувчи ҳолатларда эса 10 йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёхуд ўлим жазоси қўлланилишига сабаб бўлади (*Жиноят кодекси 263-модда, қароқчилик*).

Шу билан бирга Хитойда транспорт воситалари олиб қочилишининг олдини олиш борасида қуйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

❖ автомашина тўхташи мумкин бўлган жойлар – кўчалар, автотураргоҳлар, стадионлар, жамоат объектлари атрофлари ва бошқа ҳудудларда юз ва автомашина рақамларини идентификация қиладиган миллионлаб **ақли камералар** ўрнатилган;

❖ маҳаллий автомобилларга уларни реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи **GPS мосламалари** ва маҳаллий бозорга мўлжалланган автомобилларнинг аксариятига **иммоблизер қурилмалари** ўрнатилади;

❖ **руль ва ғилдиракларга қулф ўрнатиш** ҳукумат томонидан рағбатлантирилади;

❖ бу турдаги жиноятлар кўп учрайдиган ҳудудларда **полиция патрули кучайтирилади;**

❖ ҳатто ўлим жазоси ҳам қўлланилиши белгиланган.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида Хитойда автомобиль ўғрилиги АҚШ ва Европага нисбатан 10-20 баравар кам.

Ушбу чора-тадбирларнинг давоми сифатида мамлакатда ушбу йўл билан олиб қочилган автомобилларни топиш ва тўхтатиш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилади:

❖ **“Grappler Police Bumper ва аналоглари”** – полиция автомобилидан чиқариладиган тор бўлиб, олиб қочилган, шунингдек тўхташ ишорасига бўйсунмаётган транспортнинг орқа балонларини “қўлга олади” ва тўхтатиб қўяди. Хитойда бу қурилма 2023 йилдан бери кенг қўлланилиши натижасида юқори тезликдаги таъқибларнинг йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлувчи хавфини 85 фоизга камайтирган. Икки йил ичида шу усул орқали Гуанчжоу ва Пекинда 500 дан ортиқ автомобиллар муваффақиятли тўхтатилган;

❖ **“Шина тешиш қурилмалари (Spike Strips) ва PIT манёврлари:** Асфальтга ўрнатиладиган шина тешиш тасмалари (RoadSpike аналоглари) транспортнинг шинасини тешиб, хавфсиз тўхтатишга ёрдам беради;

❖ **“Pursuit Intervention Technique”** – таъқибдаги автомобилни хавфсиз тўхтатиш усули бўлиб, автомобилнинг орқа қисмига тегиш орқали уни айлантриб тўхтатиш имконини беради. Асосан унча юқори бўлмаган тезликда қўлланилади;

❖ **“Bait Cars ва Sting Operations”** – GPS, видео ва фото қурилмалари билан жиҳозланган полиция автомобили орқали амалга ошириладиган усул бўлиб, бундай автомобиллар жиноятчиларни жалб қилиш ва кузатиш мақсадида потенциал жиноят ўчоқлари атрофига жойлаштирилади ва масофадан бошқариш орқали жиноятчилар ва уларнинг жиноятлар кузатилади.

Мазкур усуллар ва қаттиқ жазоларнинг мавжудлиги мамлакатда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда яхши самара бермоқда.

Беларус давлати қонунчилигида ҳам Хитойдаги каби транспорт воситасини олиб қочиш жинояти икки кўринишда талқин қилинади.

Биринчиси, **транспорт воситасини ўғрилик мақсадида олиб қочиш**. Бунда оддий ҳолатларда 2 йилгача, оғирлаштирувчи ҳолатларда 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бунда оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида гуруҳ таркибида жиноят содир этиш, катта миқдорда зарар етказиш ва такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши назарда тутилади. Бу Беларус Жиноят кодексининг 205-моддасини акс этган.

Иккинчиси, Жиноят кодексининг 214-моддасида **транспорт воситасини вақтинча фойдаланиш учун олиб қочиш** назарда тутилган бўлиб, оддий ҳолатларда 3 йилгача, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Беларус Ички ишлар вазирлиги, шу жумладан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан бу турдаги жиноятларга қарши курашда асосан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

❖ вазифаси олиб қочилган транспорт воситасини топиш бўлган, VIN-кодлар ва GPS-трекерларни текшириш ва бошқариш тизимларидан фойдаланиш имконияти яратилган Оператив-қидирув гуруҳлари ташкил этилганлиги;

❖ транспорт воситасини тўхташи ёки тўхтаб туриши мумкин бўлган жойларга ҳар йили 1 000 данадан кузатув камералар ўрнатилиб келинаётганлиги;

Олиб қочилган транспорт воситаларининг 96 фоизи кузатув камералари ёрдамида топилган.

❖ транспорт воситаларини олиб қочишга қарши ўтказиладиган тунги рейдларнинг мунтазам ўтказилиши;

❖ автомобилларни мажбурий электрон микрочиплаш тартибининг белгиланганлиги;

❖ транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларининг олдини олиш ва қарши курашишга ихтисослашган махсус баталёнларнинг фаолияти ташкил этилганлиги;

❖ аҳоли учун, шубҳали кўринган автомобиллар бўйича хабар беришга мўлжалланган илованинг яратилганлиги;

❖ “Хавфсиз гараж” акциясининг мунтазам ўтказилиши ва унинг доирасида гаражларга бепул қулфлар ўрнатиб берилиши.

Ушбу комплекс чора-тадбирлар натижасида мамлакатда ўғирланган автомобилларнинг топилиши 97 фоизга етган ҳамда бу турдаги жиноятлар 55 фоизга камайган.

Қозоғистонда транспорт воситасини олиб қочиш Жиноят кодексининг 188-моддаси (*ўғрилик мақсадида олиб қочиш*) ва 200-модда (*ўғрилик мақсадисиз вақтинча олиб қочиш*) асосида тартибга солинади.

Транспорт воситасини **ўғрилик мақсадисиз олиб қочиш** оддий ҳолатлар (*1-қисм*)да 2 йилгача, гуруҳ бўлиб, зўравонлик ва таҳдид орқали ҳамда катта зарар билан боғлиқ ҳолатлар (*2-қисм*)да содир этилганда 3 йилдан 7 йилгача, оғир тан жароҳати етказилиши, инсонлар ўлими билан боғлиқ оғир оқибатлар (*3-қисм*) келиб чиққанда 6 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Республикада бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш **борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:**

❖ асосан электрон ҳимоя тизимларига эга бўлган автомобилларни импорт қилишга эътибор қаратилмоқда;

❖ электрон ҳимоя тизимларига эга бўлмаган автомобилларга иммоблизер қурилмасини ўрнатиш тарғиб қилинмоқда;

❖ автомобилларга сигнализация пультларини ўрнатиш қамровини ошириш рағбатлантирилмоқда;

❖ транспорт воситасини олиб қочиш жинояти энг кўп содир этиладиган ҳудудлар – Олма-ота, Остона каби йирик шаҳарларга автотураргоҳлар, йўллар, дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари атрофи, автомашина тўхтаб туриши мумкин бўлган бошқа жойларга **инсон юзи** ва **автомашина рақамини** таний оладиган кузатув камераларини ўрнатиш кучайтирилмоқда;

❖ транспорт воситаларини олиб қочишга қарши курашиш мақсадида автомашина **қонуний эгаликда эканлигини аниқлашга қаратилган рейдлар** даврий равишда ўтказилмоқда.

Бу чора-тадбирлар натижасида мамлакатда бу тоифадаги жиноятлар йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Транспорт воситаларини олиб қочиш ва ўғрилашга қарши курашиш бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу муаммога қарши фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва қонунчилик билан эмас, балки комплекс, замонавий ва узлуксиз тизим орқали курашиш самарали ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, юқоридаги мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ❖ транспорт воситаларини олиб қочишга қарши энг самарали йўл мажбурий технологик стандартларнинг қўлланилишидир;
- ❖ автоматлаштирилган кузатув, қидирув ва аниқлаш тизимлари транспорт воситаларини топишнинг асосий усулидир;
- ❖ қатъий ва дифференциал жавобгарлик потенциал жиноятчиларни ушбу турдаги жиноятлар содир этишдан тийиб туради;
- ❖ профилактика ва тарғиботсиз ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш етарлича самара бермайди;
- ❖ транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашувчи алоҳида бўлинмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ;
- ❖ транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш ва тўсиб ушлаш бўйича ҳайдовчилар тажрибасини ошириш хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларига қарши курашиш мақсадида қуйидагилар **ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ**:

1. Автомобиль тураргоҳлари ва бошқа автомобиль тўхташи ва тўхтаб туриши мумкин бўлган жойлар атрофига транспорт воситасини олиб қочишнинг олдини олиш, шунингдек, автомобилни қаровсиз қолдиришнинг эҳтимолий хавfli оқибатлари ҳақида **огоҳлантирувчи материаллар жойлаштириш**;

Масалан, “Машинангизни қулфламай кетсангиз – 5 дақиқада ўғирлаб кетишлари мумкин!”, “Калитни ичида қолдирманг – ўғриларга совға қилманг!”, “Қиммат нарсани кўринган жойда қолдирманг!”.

Бундай ёрқин плакатлар, стикерлар ва LED-экранларни бозорлар, кўп қаватли уйлар олди, савдо марказлари, мактаб ва боғчалар яқинига қўйиш керак. Одамлар кўриб, одат қилади ва эҳтиёт бўлади.

2. Босқичма-босқич равишда мазкур турдаги жиноятларнинг потенциал ўчоқлари бўлган ҳудудлар (*автотураргоҳлар, бозорлар, чойхоналар атрофи ва ҳоказо*)га автомобиль ва ундаги шахсларни **идентификация қилиш имконини берувчи камералар ўрнатиш**;

3. Автомактаблар ўқув дастурларига транспорт воситаси олиб қочилиши ва ўғриланишининг олдини олишга қаратилган **дарс мавзуларини киритиш**;

Ҳар бир автомактаб дарсларига 2-3 соатлик “Автомобилни техник ҳимоя қилиш”, “Автомобилингни қандай қилиб ўғрилаб кетишмайди?” каби янги мавзу қўйиш керак. Бунда янги ҳайдовчилар гувоҳнома олишдан олдин имтиҳонда бу саволларга жавоб бериши шарт бўлиши керак.

4. Автомобилларга замонавий техник қўриқлов ва огоҳлантирув тизимлари (*сигнализация, иммобилайзер кабилар*) ўрнатилишини **рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш**;

Бундай автомобилларга суғурта ва солиқ соҳаларида имтиёзлар жорий этиш лозим бўлади. Бу тартиб ҳайдовчиларни техник ҳимоя воситаларини автомобилларига ўзлари ўрнатишига рағбатлантиради.

5. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати патруль автомобилларини таъқибдаги автомобилларни мажбурий тўхтатишнинг **замонавий техник қурилмалари** (*Grappler, Spike Strip кабилар*) **билан жиҳозлаш;**

6. Ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини мажбурий тўхташ ишорасига бўйсунмаган ёки таъқибдаги бошқа автомобилларни мажбурий ва хавфсиз тўхтатиш бўйича **замонавий усулларни қўллаш бўйича малакасини мунтазам ошириб бориш;**

Таъқибдаги автомобилларни балонга тегиб хавфсиз айлантириб тўхтатиш (PIT манёвр), шина тешгичларни тўғри ишлатиш, юқори тезликда таъқиб қилмасдан, ақлли камералар ёрдамида топиш каби усулларни ўргатиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). International Statistics on Crime and Justice. 2010. https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/Crime-statistics/International_Statistics_on_Crime_and_Justice.pdf
2. UNODC. Motor Vehicle Theft Data. Excel dataset. https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/Crime-tatistics/Motor_vehicle_theft_and_theft_of_private_cars2.xls
3. Interpol. Fighting Vehicle Crime: Our Response. <https://www.interpol.int/en/Crimes/Vehicle-crime/Our-response>
4. National Insurance Crime Bureau (NICB). Vehicle Thefts Surge Nationwide in 2023. 2024. <https://www.nicb.org/news/news-releases/vehicle-thefts-surge-nationwide-2023>
5. NICB. Vehicle Thefts in United States Fell 17% in 2024. 2025. <https://www.nicb.org/news/news-releases/vehicle-thefts-united-states-fell-17-2024>
6. NICB. The Rise in Vehicle Theft. Blog post. <https://www.nicb.org/news/blog/rise-vehicle-theft>
7. United States Code. Anti-Car Theft Act of 1992. <https://www.govinfo.gov/content/pkg/STATUTE-106/pdf/STATUTE-106-Pg3384.pdf>
8. China Criminal Law (People's Republic of China Criminal Code), Articles 122, 263, 264. 1997 (amended).
9. Belarus Criminal Code, Articles 205, 214. 1999 (amended).
10. Kazakhstan Criminal Code, Articles 188, 200. 2014 (amended).
11. NICB. Intelligence Reports Provide Effective Vehicle Theft Analysis. 2023. <https://www.nicb.org/intelligence-reports-provide-effective-vehicle-theft-analysis>
12. Journal of Insurance Fraud in America (JIFA). Transnational Organized Crime and Its Impact on the Insurance Industry. 2024. <https://insurancefraud.org/publications/jifa-transnational-organized-crime/>